

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил
17 январь,
жума
№ 2 (775)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СЕРГЕЙ ЛАВРОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 январь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашув аввалида Президентимиз стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръ-

ати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги мулоқот мунтазамлик касб этгани, ўзаро алмашинувлар мисли кўрилмаган даражада фаоллашгани, кўп қиррали ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар, таълим соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кенгайиб бораётгани шундан далолат беради.

Сergeй Лавров самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги бугунги даражага эришишида икки давлат раҳбарларининг ҳал қилувчи роли алоҳида қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров 15-16 январь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 16 январь куни Ўзбекистон ва Россия ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Сергей Лавровнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стра-

тегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабати муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Мулоқотда бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнггида Ўзбеки-

стон ва Россия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оқсак мартабали меҳмон шу куни Москва давлат халқаро муносабатлар институти Тошкент филиали жамоаси билан ҳам учрашди.

Мазкур олий ўқув юртида тахсил олган С.Лавров сермазмун ва шарафли йўлни босиб ўтган таълим даргоҳининг собит аънаналари Ўзбе-

кистонда давом этаётганидан гоят мамнулигини изҳор қилди.

Бугунги кунда юртимизда Россия Федерациясининг 8 та олий ўқув юрти филиали очилган. Йил сайин ривожланиб бораётган ўзаро муносабатлар негизда таълим соҳасидаги ҳамкорликни юқори чўққиларга олиб чиқиш имконияти мавжуд.

Сергей Лавров мазкур филиалда ўқиётган талабалар олган билим ва кўникмалари-

дан фойдаланиб, келгусида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Россия билан дипломатик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Бўлғуси дипломат-талабалар, профессор-ўқитувчилар, ОАВ ходимлари билан қизгин мулоқот қилди, уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Ф. ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири

Ота-боболаримиз фарзанд дунёга келган пайтдан бошлаб, то камолга етгунга қадар унинг таъминоти, тарбияси ва билим олишини таъминлашни ўзларининг вазирлиги билан чамбарчас боғлиқ бурч деб билишган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам бу ўзининг теран ифодасини топган. Яъни Асосий Қонун — Конституция-мизда, Оила кодексиди, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" - ги, "Васийлик ва ҳимийлик тўғрисида" ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонунлар ҳамда Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари билан фарзандларимиз, яъни вояга етмаган болалар манфаатларининг тўлақонли ҳимояси кафолатланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки,

Бурч ва масъулият

Фарзандларимиз тарбиясига эътибор — ўзлимизга эътибордир!

мамлакатимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасида жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вояга етмаганларни ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва таълим-тарбия олишини таъминлаш борасида бевосита давлатимиз раҳбари томонидан улкан ва тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 22



апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғ-

рисида" ги қарориди белгиланган чора-тадбирлар вояга етмаган, шунингдек, ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ёшларни жисмоний ва маънавий етук инсон қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлди.

Айниқса, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимининг жорий этилгани болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган янги тизим бўлди.

(Давоми 4-бетда) ►

Президентимизнинг пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган учрашуви мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Муносабат

Ёшлар — халқимиз, давлатимизнинг бебаҳо бойлиги



Учрашув чоғида юртимизда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имкониятлар яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди. Шунингдек, учрашувда ёш-

лар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, бугунги кунда ёшларни қийнаётган энг муҳим масалалар юзасидан мутасаддилар олдиға қатор вазифалар қўйилди.

Учрашувда ёшлар томонидан ҳам қўллаб-қувватлаш билдирилди. Давлатимиз раҳбарининг "Бизнинг бош мақсадимиз — янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат.

(Давоми 2-бетда) ►

Шарҳ

Янги Пленум қарори: маъмурий судларда ишларни сифатли кўриб чиқишга хизмат қилади

Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги йиғилишида "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида" ги қарор лойиҳаси муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Хўш, ушбу Пленум қарорини қабул қилишда амалда қандай зарурат бор эди? Қарорда судлар учун қандай тушунтиришлар ўз ифодасини топган?

Бу саволларга жавоб тариқасида шуни айтиш кераки, 2018 йилда маъмурий судлар томонидан маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги 16 миң 52 та иш кўрилган бўлса, 2019 йилнинг 11 ойида бу кўрсаткич 14 миң 784 тани

ташқил этган.

Мазкур тоифадаги ишларнинг 10 миңдан зиёди қаноатлантирилган бўлса, 3 миңдан ортигини қаноатлантириш рад этилган. 469 таси кўрсаткич қолдирилган, Миңдан зиёдроғи бўйича эса, иш юритиш тугатилган.

2019 йилнинг 11 ойи давомида кўрилган ишларнинг 7 миң

528 таси маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишлар бўлса, 7 миң 256 таси маъмурий органлар мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф, деб топиш тўғрисидаги ишлар ташқил этган.

Буларнинг 6 миң 480 тасини Молия вазирлиги тизими кирувчи органлар ва 4 миң 913 тасини маҳаллий ҳокимликлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан келиб тушган шикоятлар (аризалар) бўйича кўрилган ишлар ташқил қилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Хабар

Бизнинг маълумот

2019 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 36 845 нафар шахсга нисбатан 28 846 та иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2018 йилга нисбатан шахслар бўйича 24,2 фоизга, ишлар бўйича эса, 24,4 фоизга камайган.

Жумладан, 859 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди, судланган шахслар сони 27 603 нафарни ташқил

этиб, шундан 6 957 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 19 278 нафарига бошқа турдаги жазолар та-



йинланди, 1 368 нафар шахс шартли ҳукм қилинди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2019 йил 24 декабрь № 25 Тошкент шаҳри

Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида

Судларда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 47-боби нормаларини қўллашда масалалар вужудга келаётганлиги, шунингдек, ушбу масала бўйича қонунчиликни тўғри қўллашни таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари янги очилган ҳолатлар бўйича ушбу қарорни қабул қилган суд томонидан қайта кўрилиши мумкин.

ФПК 47-боби қоидаларидан келиб чиқиб, иш мазмунан ҳал этилмаган биринчи инстанция судининг бошқа ҳужжатлари (масалан, аризани қабул қилишни рад этиш ёки даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги, аризани кўрмасдан қолдириш ёки иш юритишдан тугатиш тўғрисидаги, процессуал муд-

датни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги ажримлар, хусусий ажрим) янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилмади.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияси судлари ўзлари томонидан чиқарилган ажримлар, қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича улар томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёхуд янги ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, қайта кўришга ҳақли (ФПК 438-моддаси).

(Давоми 2-бетда) ►

Янги қонун моҳияти

«Давлат божи тўғрисида» ги қонун кучга кирди

Президентимиз жорий йил 6 январда "Давлат божи тўғрисида" ги қонунни имзолади ва матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонун бож ставкаларини тўғридан-тўғри тартибга солишга қаратилган ягона ҳужжат бўлиб, давлат божларини ундиришни тартибга солувчи 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўрнига ишлаб чиқилди.

Шу пайтга қадар давлат божларини ҳисоблаш Солиқ кодекси, бож ставкалари эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари орқали тартибга солиб келинган.

Айтиш кераки, ушбу қонунни ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси чуқур ўрганилди, уларнинг бу борадаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинди.

(Давоми 3-бетда) ►

Оқлов



уч йилдан сўнг оқланди

Андижон шаҳрида яшовчи Баҳромжон Ўринбоев бу йилги янги йили кўтаринки кайфиятда, аниқроғи, ҳаётдан мамнун ҳолда кутиб олди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки яқунланган 2019 йилда нафақат унинг, балки оила аъзолари ва қариндошларининг ёдида муҳрланиб қолган муҳим воқеа рўй берди. Аниқроқ айтганда, 2016 йилда ноҳақ судланган Б.Ўринбоев жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2019 йил 4 сентябрдаги ажримига биноан айбсиз деб топилиб, оқланди.

(Давоми 2-бетда) ►

Муносабат

Ёшлар — халқимиз, давлатимизнинг бебаҳо бойлиги



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аммо уни ёшларсиз қуриб бўлмаслигини яхши тушунамиз, деган фикрлари биз, ёшларда шу юрт келажаги ва тақдирга дахлдорлик туйғусини янада оширди. Ёшлар юртимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлиши учун эса, барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Айнан шу вазифаларни Олий суд тизимида кенг ва самарали рўёбга чиқариш бўйича ишлар алақачон бошлаб юборилди. Хусусан, жорий йилнинг 11 январь кунин Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши-

тарбиялаш, уларнинг жисмоний жиҳатдан етуқлиги, касб-хунар эгаллаши, ҳуқуқлари таъминланишига эътибор янада кучайтирилишига, ёшлар ўртакда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Бундан ташқари келгусида тизимимиз ёшлари билан биргаликда "Бўлажак судьялар клуби"ни ташкил қилиш ниятида. Бундан қўзланган мақсад, суд соҳасида етуқ билми-ча ишлар алақачон бошлаб юборилди. Хусусан, жорий йилнинг 11 январь кунин Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши-

Давлатимиз раҳбарининг



нинг Олий суддаги бошланғич ташкилоти етакчиси сайланди. Президентимизнинг "Ёшлар орасида "Мен Сизнинг ёнидаги гапга туриб, камарбаста бўлам!" деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнак ва намуна бўлишидир", деб айтган сўзлари биз, ёшларга қаратилган эътибордан далолат беради.

мамлакатимиз ёшлари билан учрашуви том маънода ҳаётимизда муҳим ўзгаришларга замин яратди. Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар, шубҳасиз, ёшларга қанот бўлиб, иқтидорли ёш кадрларни кашф этиш, уларнинг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш, салоҳиятини Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этишга кенг йўл олади.

Шавкат ГАЙБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг Олий суддаги бошланғич ташкилоти етакчиси

Хабар

Бизнинг маълумот

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Судланган шахсларнинг 24 491 нафари эркаклар, 3 112 нафари аёллар, 10 700 нафари ёшлар (шу жумладан, 497 нафари воёта эмгакдан) ва 873 нафари 60 ёшдан ошган шахслар.

Шунингдек, 3 080 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди, 26 436 нафари жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинди, 8 028 нафарига тайинланган жазоси енгилли билан алмаштирилди ва 6 665 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбондан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

270 нафар шахсга Ёшлар иттифоқи, 210 нафар аёлга Хотин-қизлар қўмитаси ва 1 373 нафар шахсга маҳалла фуқаролар йиғинларининг қабул қилинган асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. 2018 йилга нисбатан айрим жиноят турлари, хусусан, транспорт воситасини олиб қочиш, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, ўғирлик, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш, безорилик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойда-

ланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, қасддан баданга оғир ва ўртача оғир шикаст етказиш, воёта эмгакдан ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, одам савдоси, мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш каби жиноятлар учун судланганлик кўрсаткичлари камайди.

Ҳисобот даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 7 329 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Етказилган 443,9 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 3 187 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. 13 890 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 48,2 фоизи сайёр суд мажлисла-рида қўриб чиқилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибидан 1 788 нафар шахсга нисбатан 1 486 та иш қўриб чиқилди. 1 037 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилинди ва 581 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суд матбуот хизмати

Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2. Ишда иштирок этган шахслар, шунингдек, прокурор қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни (бундан буён матнда суд ҳужжати деб юритилади) янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ФПК 47-моддасига мувофиқ ҳуқуқий ворислик фуқаролик суд ишини юриштиришнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлиги сабабли, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ишда иштирок этган шахсларнинг процессуал ҳуқуқий ворислари ҳам эга.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар қонуний кучга кирган суд ҳужжати ушбу шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига дахл қилса, улар суд ҳужжати-нинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги юқори инстанция суди томонидан текшириш тўғрисида шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

3. Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида берилсади, уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, белгиланган тартибда расмийлаштирилган, вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинган ҳолда имзоланади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризада қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) ариза берилмаётган суднинг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (номи), уларнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва почта манзили;
- 3) аризада янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжати қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, суд ҳужжати қабул қилingan сана;
- 4) аризада янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлаётган янги очилган ҳолатга кўрсатма, уларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ушбу ҳолатни тасдиқловчи бошқа далиллар;
- 5) ариза бераётган шахснинг талаби;
- 6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судга берилмайдиган аризада тегишли суд томонидан тасдиқланган, иш бўйича қабул қилingan суд ҳужжатларининг нусхалари илова қилинади.

Судга қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза беришда давлат божи тўланмайди.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 439-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган уч ойлик мuddатнинг ўтказиб юборилиши, қонуний кучга кирган суд ҳужжати ФПК 47-боби тартибидан қайта кўриш тўғрисидаги ариза қайтариш учун ёхуд уни қабул қилишни рад қилиш учун ўз-ўзидан асос бўла олмайди.

Мазкур мuddатга риоя қилинганлиги ҳақидаги масала суд томонидан ариза билан мурожаат қилган шахснинг илтимосномаси бўйича, суд ҳужжати қайта кўриш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳолатлар очилган кундан олти ойдан кечиктирмасдан берилган бўлсагина, суд мажлисида муҳокама қилиниши зарур. Бунда шунини назарда тутиш лозим-

ки, судга мурожаат қилиш мuddатининг узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилиши, кўрсатилган аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун мустақил асос ҳисобланади ва суднинг ажримида асослантирилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш мuddатини тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда нафақат уни ўтказиб юборилганнинг узрлилиги, балки аризада янги очилган ҳолатлар мавжудлиги ҳақида билган ёки билиши лозим бўлгандан кейин суд ҳужжати қайта кўриш тўғрисидаги ариза ўз вақтида берилган ёки берилмаганлиги ҳам инобатга олиниши лозим.

5. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш мuddатини ҳисоблашда, ФПК 440-моддасига асосланиш, ариза бериш учун мuddат:

- 1) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда — иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;
- 2) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда — суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;
- 3) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда — қайта қўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажримга ёки қарорга асос бўлган ҳукмига, ҳал қилув қарорига, ажримга ёхуд қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ёхуд бошқа органнинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланиши инобатга олиниши лозим.

6. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати қайта кўриш тўғрисидаги ариза-нинг қўрилиши ФПК 47-боби қоидаларини инобатга олинган ҳолда, тегишли суд инстанциясида иш юритиш қоидалари бўйича амалга оширилади.

Суд аризани қабул қилгандан сўнг суд мажлисининг вақти ва жойини белгилашда ҳамда бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги унинг ўтказилишига тўсқинлик қилмайди.

ФПК 442-моддасига мувофиқ, суд қайд этилган аризани суд мажлисида кўради, иш бўйича янги очилган ҳолатлар мавжудлигини тасдиқлаш учун тақдим этилган далилларни текширади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди, суд мажлиси баённомасида ёритилиши лозим бўлган бошқа зарур процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

7. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати қайта кўриш тўғрисидаги ариза, у суднинг тегишли инстанциясига келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган мuddатда кўрилади.

8. ФПК 437-моддасининг иккинчи қисмида мавжуд бўлган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади. Ушбу мuddатнинг иккинчи қисмида назарда тутилган қонун нормасидан келиб чиқиб, янги очилган ҳолатлар, улар ишнинг тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳоллардагина суд ҳужжати қайта кўриш учун асос ҳисобланади.

9. Иш қўрилаётган пайтда объектив ўринга эга бўлган ва қабул қилинган суд ҳужжати мазмунига таъсир кўрсатадиган, ушбу ҳужжат чиқарилаётганда аризада, шунингдек, суд билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ишга тааллуқли факти ҳолатлар, ФПК 437-моддаси иккинчи қисми-

нинг 1-бандида кўрсатилган янги очилган ҳолатлар ҳисобланади. Бунда шунини назарда тутиш лозимки, аризада қонундан иш бўйича тақдим этилган янги далиллар суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

10. Судлар шунини назарда тутиши лозимки, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, гувоҳнинг бида туриб берган ёлгон кўрсатуви, экспертнинг бида туриб берган ёлгон ҳулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар, агар улар қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига олиб келган бўлса, суд ҳужжати қайта кўришга асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).

Тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакилларининг суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноятлари, судьяларнинг ишнинг қўриш ва ҳал этишда содир этган жиноятлари (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди), ушбу ҳолатлар ишнинг натижасига таъсир этган-этилмаганлигидан қатъи назар, суд ҳужжати қайта кўриш учун асос бўлади.

Ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган жиноят ишнинг реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги суднинг ажрими, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори билан аниқланган ҳолатлар ҳам, агар суд ушбу ҳолатларни иш учун муҳим деб топса, суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди).

Бундай асослар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни қўришда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

суд ҳужжати қабул қилиш учун асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилиниши судга мурожаат қилиш учун асос бўлган ва қайта кўриш масаласи қўйилган ҳолларда, суд ҳужжати ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилинганлиги ишнинг қўриш натижасига таъсир кўрсатган ёки кўрсатмаганлигини текшириш зарур;

агар судга мурожаат қилишнинг асоси мазкур иш бўйича ноқонуний ёки асоссиз суд ҳужжати қабул қилишга олиб келган битимнинг қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги бўлса, бу ҳолат бошқа иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ҳулоса ва (ёки) асослантирувчи қисмида низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги ҳулоса мавжуд бўлганда, суд ҳужжати қайта кўриш учун асос бўла олади.

12. Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қўриш натижалари бўйича суд аризани қаноатлантириш ҳа-

қида ажрим чиқаради ва суд ҳужжати-ни бекор қилади ёхуд уни қайта кўришни рад қилади (ФПК 443-моддаси). Ажрим нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга тилхат олиб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Биринчи, апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди томонидан суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза-нинг қаноатлантирилиши тегишли суд томонидан ФПК билан ушбу инстанция суди учун белгиланган қоидалар бўйича ишнинг қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 445-моддаси).

13. Биринчи инстанция суди томонидан ФПК 47-боби тартибидан чиқарилган ариза устидан апелляция ёки кассация инстанцияси судига хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза-нинг қаноатлантирилиши шикоят (протест) берилган ҳолатлар кундан кунда бошлаб кучга киради ва улар устидан назорат тартибидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

14. Биринчи инстанция судининг суд ҳужжати бекор қилиш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақидаги ажрими устидан берилган хусусий шикоят (протест) қаноатлантирилганда, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ФПК 47-боби тартибидан ушбу ажрим-нинг, шунингдек, аризада қонундан қайта кўриш масаласи қўйилган суд ҳужжати, агар ушбу суд ҳужжати қайта кўриш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бекор қилади. Бундай ҳолда иш суд ҳужжати бекор қилинган судга мазмунан кўриш учун юборилади.

15. Агар юқори инстанция суди суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза-ни қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни қўришда ушбу ажримнинг асоссиз эканлиги ҳақида ҳулосага келса, уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва шу билан бирга суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни рад қилади.

Агар суд ҳужжати қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест) қўрилаётган пайтда иш бўйича янги суд ҳужжати чиқарилган бўлса, у ҳам бекор қилиниши лозим.

16. Агар янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган суд ҳужжати тўлиқ ёки қисман ижро этилган, иш янгидан қўрилганда эса, бошқа ҳал қилув қарори қабул қилинган ҳолда, суд ФПК 459-моддасига мувофиқ, суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза-ни қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест) қўрилаётган пайтда иш бўйича янги суд ҳужжати чиқарилган бўлса, у ҳам бекор қилиниши лозим.

17. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юза-сидан суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	К. КАМИЛОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	И. АЛИМОВ

Оқлов

Ноҳақ

Кези келганда шунини айтиш керакки, Б.Абдурахмонов МХХ Қўрғонтепа туман бўлимига ёзган аризасида Б.Уринбоевнинг И.Мўйдиновга қайд этилган ўғирлик жиноятини яширган деган ваҳд билан қўйилади. Пировардидан жиноят ишлари бўйича Жа-лақуду туман судининг 2016 йил 19 апрелдаги ҳукмига му-вофиқ, Б.Уринбоев Жиноят кодексининг 206-моддаси 2-қисми "в"-банди, 235-моддаси 2-қисми "а, в"-бандлари, 209-моддаси 1-қисми, 103-моддаси 1-қисми, 238-моддаси 2-қисми билан айбон деб топилди, оқланган. Лекин кодекснинг 241-моддаси билан айбдор деб топилди, ам-нистия актига асосан жазодан озод қилинган.

Бироқ орадан икки кун ўт-гач, И.Мўйдинов жабранлу-вчидан пулни топиб бериши эвазига 200 АҚШ доллар сўрайди. Б.Абдурахмонов эса, унга 100 АҚШ доллар бера-ди. Аммо бундан бирон-бир натижа чиқмайди. Шу боис 2013 йил 19 июнь кун Б.Аб-дурахмонов И.Мўйдиновга нисбатан қонуний чора кў-ришни сўраб, МХХнинг Қўр-ғонтепа туман бўлимига му-рожаат қилади. Оқибатда тама-гир ходим жиноий жавобгар-ликка тортилади.

Буни қарангки, кейинчалик туман ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўрин-босари лавозимида фаолият юритган Баҳромжон Уринбо-евга нисбатан Жиноят кодек-сининг 206-моддаси 2-қисми "в"-банди, 235-моддаси 2-қисми "а, в"-бандлари, 209-моддаси 1-қисми, 103-мод-даси 1-қисми, 238-моддаси 2-қисми, 241-моддаси билан

5500 АҚШ доллар ва фуқа-ролик паспорти, автомашина магнитофонининг олди қис-мини кимдир ўғирлаб кетади. Аммо ўшанда жабранлувчи негадир бу ҳақда ички ишлар бўлимига мурожаат қилишни истамайди. Фақат орадан икки ҳафта ўтгач, А.Абдува-хобов бу воқеа ҳақида маҳалла-доши — туман ИИБ жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчи-ликка қарши курашиш бўлин-маси тезкор ходими И.Мўй-диновга айтиб, ёрдам бериш-ни сўрайди. 2013 йил май ой-ининг бошларида эса, Б.Аб-дурахмонов И.Мўйдинов бил-ан учрашиб қолган пайтда ўғ-рилар топилган-топилмаган-ни ҳақида сўрайди.

— Ўғирлик қилган шахс Тошкент шаҳрида экан. Лекин пулнинг уя ярим минг долл-арини ишлатиб юборибди. Қайтиб келгач, қолган икки мингга минг беради, — дейди унга жавобан тезкор ходим.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хўш, у қайси қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилган?

Жиноят иши ҳужжатлари-дан маълум бўлишича, Қўр-ғонтепа туманида яшовчи А.Абдуваҳобов 2013 йил 9 апр-ель кунини ўзининг "Матиз" русумли автомашинасида та-нишлари Б.Абдурахмонов ва С.Аҳмаджоновни Хўжаобод туманига олиб боради. Чунки оғайниси Б.Абдурахмонов ан-чадан буён автомашина сотиб олиш ниятида юргани боис автосалонда тўловни амалга ошириш ниятида эди. Бироқ ў-ша пайтда сотувда автомаши-на қолмагани маълум бўлади. Натижада улар яна ортга қай-тишади. Қўрғонтепа тумани марказига боргач, бозор яқи-нидаги ошонага кириб, ту-шир қилишади. Айни шу пайт-да Б.Абдурахмоновнинг авто-машина орқа ўринидаги қол-дирган костюми чўнтагидан

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2019 йилнинг 11 ойи давомида маъмурий судлар томонидан давлат органлари, шу жумладан, ҳокимларнинг 1165 та қонунга зид қарорлари бекор қилиниб, фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Статистик маълумотлардан кўринишича, ушбу тоифада кўрилган ишларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу сабабли, ушбу тоифадаги ишларни кўришда амалдаги қонун нормалари турлича қўлланилишининг олдини олиш, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг тўлақонли ҳимоя қилинишига эришиш мақсадида, янги Пленум қарори қабул қилиш зарурати вужудга келди. Бу ҳолат инobatга олиниб, ишчи гуруҳи томонидан "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Пленум қарорида назарда тутилган тушунтиришлар маъмурий судлар томонидан давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни кўришда қонун нормаларини аниқ ва бир хилда қўллашга қаратилган.

Хусусан, Пленум қарорининг 2-бандида суд амалиётида қонун ҳужжатлари турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида, маъмурий органлар тушунчасига изоҳ берилган. Жумладан, маъмурий органлар деганда, давлат бошқарув органлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа органлар ва маъмурий-бошқарув вако-

ти берилган махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилиши баён этилди.

Шунингдек, қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахсларнинг ўзи қилинган аниқлик киритиш мақсадида, қарорда мансабдор шахс тушунчасига ҳам тушунтириш берилди.

Хусусан, Пленум қарорининг 3-бандида маъмурий органларнинг мансабдор шахслари деганда, ҳокимият вакили вазифасини бажарадиган ёхуд мазкур органларда маъмурий-бошқарув (маъмурий — ҳўжалик) вазифасини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга

гуруҳига маълум бир ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирувчи қарорлар таркибига маъмурий органларнинг, улар мансабдор шахсларининг шахсан ёки жамоавий равишда қабул қилинадиган, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни яратишга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний шахслар ёки юридик шахслар ёхуд айрим индивидуал фуқароларга кўра, ажралиб турувчи шахслар гуруҳига таъсир чораларини ўз ичига оловчи ҳужжатлар кирди. Бунда қарорлар ҳам белгиланган шаклда (мисол учун жойларда ижро ҳокимияти органларининг қарорла-

Пленум қарорининг 11-бандида маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмасига нисбатан шикоят келтирилганда, суд томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилиши лозимлиги билан боғлиқ тушунтириш берилди. Унга кўра, маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмасига нисбатан шикоят келтирилганда, суд Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 42-моддаси қоидаларига биноан, тегишли органни жавобгар сифатида жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши,

Судга мурожаат қилиш муддати: аризаچи ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилганлиги; ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги; зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юкланганидан хабар топган куннинг эртасидан бошланади.

Пленум қарорининг 25-бандида суд қарорларининг ижроси юзасидан судларнинг ўзи назорат олиб бориши ва қарорлар ижро этилгани тўғрисида ижро органининг маълумотномалари мавжуд бўлмаганда, уларни талаб қилиб олиш зарурлиги белгилаб қўйилди. Унга кўра, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 276-моддаси иккинчи қисмига асосан, суд ҳужжатининг ижроси ҳал қилув қарори (қарор) асосида белгиланганлиги сабабли, қонунда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида суд қарорини ижро қилиш ҳақидаги қузатув хатида, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси бешинчи қисмида белгиланган талабларга риоя қилишни кўрсатиш лозим.

Судлар қарор ижроси устидан назоратни амалга ошириши, унинг ижроси ҳақида маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли тартибда талаб қилиб олиши зарур.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ва мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқишда қўлланиладиган қонун нормаларига тушунтириш берилиши ушбу тоифадаги ишларнинг сифатли кўриб чиқиш, бу борада ягона суд амалиёти шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, Пленум қарори жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг судларда тўлақонли ҳимоя қилинишида зарур ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Шахноза АХАТОВА,
Олий суд судьяси

Шарҳ

Янги Пленум қарори: маъмурий судларда ишларни сифатли кўриб чиқишга хизмат қилади

ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушунилиши кўрсатилган.

Қарорнинг 4-бандида ўзининг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс тушунчасига изоҳ берилган. Унга кўра, манфаатдор шахс деганда, маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа шахс тушунилиши белгилаб қўйилди.

Қарорнинг 5-бандида манфаатдор шахслар ҳақиқий эмас, деб топишни сўраётган қарорлар сирасига қандайдир ҳужжатлар кириши ва уларнинг шакли юзасидан тушунтиришлар берилди. Унга кўра, қарорлар деганда, яқка тартибда ва ҳайъат томонидан қабул қилинган маъмурий органларнинг ҳужжатлари, таъсир чоралари мавжуд бўлган, оммавий ҳуқуқни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳамда алоҳида жисмоний шахслар ёки юридик шахслар ёхуд муайян индивидуал белгиларга кўра, ажралиб турувчи шахслар

ри), ҳам ихтиёрий шаклда (мисол учун мансабдор шахсларнинг фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хат) қабул қилиниши мумкинлиги тушунтирилди.

Қарорнинг 6-бандида мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги деганда, нима тушунилиши аниқлаштирилди. Хусусан, унга кўра, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 23-бобига кўра, қайд этилган органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарор шаклида бўлмаса ҳам, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келадиган ёхуд ҳуқуқларини амалга оширишга тўсиқлик қилувчи юридик аҳамиятга эга қарорлари кириши, ҳаракатсизлик деганда эса, маъмурий орган, унинг мансабдор шахси зиммасига ушбу органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилувчи норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низоомлар, қоидалар, буйруқлар) билан юкланган мажбуриятни бажармаслик кириши ҳақида батафсил тушунтириш берилди.

агар иш мазмунан кўриб чиқилгунга қадар маъмурий орган қайта ташкил этилган ёки тугатилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий ворисини ёхуд аризачининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга ташкилотни ишда иштирок этиш учун жалб этиши, агар иш кўриб чиқилаётган вақтда қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) бўйича шикоят қилинган шахс мансабдор шахс бўлмаса, суд ушбу лавозимни эгаллаб турган шахсни ёхуд аризачининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга тегишли ташкилотни ишда иштирок этиш учун жалб қилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари Пленум қарорининг 19-бандида кўра, суд ҳар бир иш бўйича аризаچи томонидан судга мурожаат қилишда қонуний муддатга риоя қилинганлигини аниқлаши керак. Агар бу муддатлар бузилган бўлса, манфаатдор шахс мурожаат қилган-қилмаганлигидан қатъи назар, муддатларини ўтказиб юбориш сабаблари муҳокама қилиниши талаб этилади.

Эл орасига ёмон гап тарқалдики, бас, одам ўзини оқлаб олиши жуда мушкул кечди. Чунки узунқулоқ гаплар чувалашгандан чувалашади. Оқибатда, киши, гарчи айбсиз бўлса-да, юзи қора бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам, кимнингдир айбсиз кишини тамаюртилик нишанида ёлмонтиликқа чиқаришга уринишини асло кечириб бўлмайди.

Жиноятга жазо муқаррар!

Ғараз ният товламачига қимматга тушгу

Ўша кун Отажон (исм-шарифлар қўзғатирилди) Зарнигорга кўнжирок қилиб, кечки пайт учрашишга келиши олганди. Аслида улар бир-бирига кўнжирок қўйган, тез орада тўйлари бўлиши керак эди.

Қисқаси, ўша кун улар Жиззах шаҳридаги "Нурбек" ресторанида тамадди қилишгач, кўчага чиқибди. Зарнигор онасига тегишли "Ласетти" русумли автомашинани ўзи ҳайдаб келган экан. Улар автомашинида шаҳар чеккасига, Алишер Навоий номидаги сув-

дан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудуди-га етиб боришгач, фермер ҳўжалиги дала майдони ёнида тўхташди.

Улар автомашинида суҳбатлашиб ўтиришганди. Бир чоғ, кутилмаганда автомашинанинг эшиги шахт билан очилиб, қандайдир нотаниш кимса ваҳожат билан уларга юзлананди.

— Мен фермер ҳўжалиги раиси бўлман, исмиим Аслиддин, — дейди у ваҳожат билан. — Бу ерда нега ўтирибсизлар? Ахлосиз ишлар қилипти, деб ҳозир профилактика инспекторини ча-

кираман.

Отажон шоша-пиша автомашинадан тушиб, шунчаки гаплашиб ўтиришгани айтиб, Аслиддинни тинчлантиришга уринади. Лекин Аслиддин сира муро-сага келмайди. Аксинча, у ҳозир профилактика инспекторига хабар беришни, кейин уларни ички ишлар идорасига олиб кетишни, ота-оналарини ҳам у ерга чақаришни айтиб, пўпўнса қилишдан тийилмайди. Шундан сўнг Отажон илтимосга ўтади.

Этироф этиш кераки, илгари ноҳақ судланган шахсларнинг айбсиз деб топиллиши жуда камдан-кам уч-райдиган ҳолат эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар эса, ҳар бир жиноят иши бўйича адолатни қарор топтиришга имкон берди.

бошқа зиён оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилди. Энг муҳими, Б.Ўринбоевнинг маҳалла-қўй, таниш-билиш ва ҳамкасблари орасида юзи ёруғ бўлди.

Этироф этиш кераки, илгари ноҳақ судланган шахсларнинг айбсиз деб топиллиши жуда камдан-кам уч-райдиган ҳолат эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар эса, ҳар бир жиноят иши бўйича адолатни қарор топтиришга имкон берди.

Фарҳоджон ҒАНИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Янги қонун моҳияти



«Давлат божи тўғрисида»ги қонун кучга кирди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур янги қонун фуқаролик, иқтисодий, маъмурий судларга аризалар билан мурожаат қилганда, нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда, фуқаролик ҳолати даъволатномаларини қайд этганда, фуқаролар биометрик паспортни расмийлаштиришда, шу жумладан, хорижга чиқиш, консуллик йиғимини тўлаш ва шу каби бир қатор ҳаракатлар учун ундирилган давлат божларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган.

Хусусан, янги қонунда иқтисодий судларга бериладиган даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметиға нисбатан муस्ताқил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга кириши ҳақидаги аризалардан, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш, даъво-ни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ва шу каби бир қатор ҳолатларда давлат божи ундириш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, янги қонунда фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда, нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда, фуқаролик ҳолати даъволатномаларини қайд этганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига биометрик паспортни расмийлаштириш ва беришда, шу жумладан, хорижга чиқиш, консуллик йиғимини тўлашда давлат божини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган эди, лекин қайтариш муддатлари, тартиби ҳамда қайси органлар орқали амал оширилиши аниқ кўрсатиб ўтилмаган эди.

Шу кунга қадар давлат божини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган эди, лекин қайтариш муддатлари, тартиби ҳамда қайси органлар орқали амал оширилиши аниқ кўрсатиб ўтилмаган эди.

Қонунчиликдаги бу бўшлиқ бартараф этилди. Яъни янги қонуннинг 18-моддасига кўра, давлат томонидан давлат божи суммаларини қайтариш тўловининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади. Шунингдек, давлат божини ундирилган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмини тўловининг ёзма аризаси олинган кундан эътиборан беш кун ичида ёки суд ҳужжатлари асосида қайтаради.

юридик шахс бўлганда 446 минг сўм ўрнига 223 минг сўм миқдорига белгиланди.

Худди шунингдек, нодавлат ташкилотларни адилия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган учун давлат божи республика, вилоятларно нодавлат нотижорат ташкилотлари 892 минг сўмдан 669 минг сўмга, фаолиятини вилоят ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга 446 минг сўмдан 223 минг сўмга, фаолиятини туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга 446 минг сўмдан 111 минг сўмга камайтирилди.

Бундан ташқари давлат божининг халқаро судлар ва халқаро ҳакамлик судлари қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги аризалар, тўлов тизими оператори фаолиятини амалга оширишда лицензия берилганлик учун тўланадиган янги турлари жорий этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чорна-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлари (консуллик йиғимларидан ташқари) фақат миллий валютада ундирилиши белгиланган. Ушбу фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида, хорижий валютада белгиланган давлат божлари ставкалари қайта кўриб чиқилди. Яъни базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб, уларни сўм эквивалентига ундириш тартиби қонунда ўз аксини топган.

Шу кунга қадар давлат божини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган эди, лекин қайтариш муддатлари, тартиби ҳамда қайси органлар орқали амал оширилиши аниқ кўрсатиб ўтилмаган эди.

Қонунчиликдаги бу бўшлиқ бартараф этилди. Яъни янги қонуннинг 18-моддасига кўра, давлат томонидан давлат божи суммаларини қайтариш тўловининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилади. Шунингдек, давлат божини ундирилган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмини тўловининг ёзма аризаси олинган кундан эътиборан беш кун ичида ёки суд ҳужжатлари асосида қайтаради.

Хулоса қилиб айтганда, давлат божининг аниқ миқдорлари қонун даражасида белгиланиши мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширади ҳамда ҳуқуматнинг алоҳида қарорларини қабул қилиш йўли билан ставкалар миқдори асосан оширилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Отабек МИРЗАЕВ,
Қасби туманлараро иқтисодий суди судьяси,
Аббос УБАЙДУЛЛАЕВ,
Қасби туманлараро иқтисодий суди девонхона мудири

айбланган шахс

уч йилдан сўнг оқланди

Бирок у ушбу жиноят ишини янгидан кассация инстанцияси судида кўриш бораётишида яна аввалгидек бошқариш бўлимига ўзгаришлар киритилди. Бундан ташқари судда гувоҳлик берган

профилактика инспекторлари Р.Тожибоев ва Б.Анорбоев 2013 йил 19 апрель кунги жама намози пайтида Баҳромжон Ўринбоевни кўрма жиноят ҳақида 3 март — дастлаб ИИБ биносига кириверишда, иккинчи марта тезкор ходимлар йиғилишидан чиққач, Б.Ўринбоевнинг хонасида, учинчи марта эса, 2013 йил 19 апрель кунги жума намозини назорат қилиш учун боришган пайтда хабар берганини маълум қилган. Юқоридики, И.Мўйдиновнинг кўрсатмалари қайта-қайта ўзгартирилганга эътибор қаратмаган. Қолаверса, Б.Ўринбоевнинг айбини яна бошқа ишончга сазовор далиллар билан исботламаган.

Бурч ва масъулият

Фарзандларимиз тарбиясига эътибор — ўзлгимизга эътибордир!

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, мамлакатимизда 2019 йил 1 сентябрдан қизлар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди. Ҳар қандай суд муҳокамаси даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақли эканлиги, қарорлар қабул қилинишида ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устувор манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шартлиги белгиланди. Бу, ўз навбатида, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишни таъминлаши шубҳасиз.

Абу Хомид Ғаззолий ҳазратлари **"Билгил! Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота-онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади... Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини толади. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, баъбахликка юз тутди ва ҳалок бўлади. Болдан гуноҳ юки шу кўйга сонганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади"**, деб огоҳлантиргани бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиш, бунда шахсий ибрат жуда муҳим омил эканлигини унутмаслигимиз жоиз. Биз бугун фарзандларимиз тарбия-

сига беътибор муносабатда бўладиган бўлсак, эртагина ана шу масъулиятсизлигимизнинг аччиқ мевасини албатта, таътиб кўришга тўғри келади.

Тўғри, бирон-бир ота-она фарзанднинг жиноятчи бўлишини ният қилмайдими. Аммо вояга етмаганлар орасида бугун жиноят содир этилаётганини қандай изохлаш, сабабини қаердан излаш лозим?

Таҳлиллардан кўринишича, айни пайтда бунга сабаб бўлаётган бир қатор омиллар мавжуд.

Биринчидан, ота-она фарзанди дунёга келгач, унинг тақдирига бефарқ қараб, ажрашиб кетиши болага ўта салбий таъсир кўрсатиб, унинг жиноят оламига кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Бу огрикли муаммони бартараф этиш ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида тўхталиб ўтди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Қайд этиш керакки, Асосий Қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбур эканликлари қайд этилган.

Аммо ажрашиб, алоҳида-алоҳида яшаётган айрим ота-оналар фарзандларининг тарбиясига умуман иштирок этмаслиги, ҳатто фарзанди моддий таъминотини ҳам ихтиёрий амалга оширмаётганлиги жудаям ачинарли ҳолат.

Буни биргина 2019 йилда 3.218 нафар фуқародан сундинг ҳал қилув қарори асосида, 45.459 нафар фуқародан суд бўйруғи орқ-

али фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш белгиланганлигида, 5.031 нафар ота-оналарнинг таъминлашдан бош тортганлиги учун — маъмурий, 90 нафар ота-она, жинсий жавобгарликка тортилганида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчидан, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига беътиборлиги, ўз фарзанднинг тарбиясини бировларга ишонилиши ҳам, пировардида салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бугунги кунда айрим ота-оналар катта орзу-ниятлар билан, яъни фарзандини яхшироқ моддий таъминлаш, унинг тўйини зўр ўтказиш, сарпосини беҳона кўст қилиш ниятида боласини қари ота-онасига, қариндоши ёки таниши билан, айни пайтда бунга ташлаб, ўзлари бошқа юртга пул топиб келиш учун кетаётгани сир эмас. Лекин улар фарзандга тарбия ҳамда меҳр бериш лозим бўларди, кўни-қўшинисига ташлаб, ўзлари бошқа юртга пул топиб келиш учун кетаётгани сир эмас. Лекин улар фарзандга тарбия ҳамда меҳр бериш лозим бўларди, кўни-қўшинисига ташлаб, ўзлари бошқа юртга пул топиб келиш учун кетаётгани сир эмас.

Бугунги кунда жиноят содир этиб, жазо ўтаётган вояга етмаганларнинг асосий қисмини ажрашган ёки бошқа юртга ишлаш учун узоқ муддат кетган ота-она фарзандлари ташкил этаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Яна бир шундай салбий ҳолат борки, бугун Меҳрибонлик уйларида аксарият отаси ҳам, онаси ҳаёт, лекин ажрашган ота-она фарзандлари тарбияланмоқда. Бугун бу болажонлар давлат қарамоғида, ҳамма нараси тўкин бўлса-да, улар ота-она меҳрига зор.

Биринчи босқич суди судланувчи А.Қўшбоқовни товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиси учун сир сақлашни лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришига мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш, фарз ниятда фуқаролик паспортини эгаллашда ифода-



Зеро, халқимизнинг "меҳр берган меҳр кўради", деган нақли бежиз айтилмаган. Агар биз бугун фарзандларимизга меҳр кўрсатмасак, эртага бир кун ўзимиз уларнинг меҳрига зор бўлишимиз мумкин. Буни турли баҳона билан болаларини Меҳрибонлик уйига ташлаб, ўз ҳаловатини кўзлаб юрган ота-оналар ўйлаб кўриши, жамоатчилик бунга ўз муносабатини билдириши даркор.

Учинчи сабаби, оиладаги ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги ёки ота-онанинг спиртли ичимлик ичишга ружу қўйганлиги, яъни бир сўз билан айтганда, оила бошлиқларининг ўзи тарбия муҳтожлигида кўрилади. (2019 йилда 1.150 нафар ота(она) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган. 2.071 нафар фуқаро-оталари спиртли ичимликка ичгани суиестемол қилганлиги ва бошқа сабабларга кўра, муомала лаёқати чекланган).

Болалар жиноят йўлига киришининг сабабларидан яна бири — вояга етмаган фарзандларимизнинг он-онига салбий таъсир этаётган турли ахборотлар, хусусан, Интернетда тарқалатилган зўравонлик ва фахш акс этган маълумотлар бўлиб, уларни ушбу

таъсирлардан асраб-авайлашимиз лозим. Сир эмас, мактаб, лицей, коллеж ва Олий ўқув юртлири таълим-тарбия масканлари ҳисобланади, лекин ушбу даргоҳларнинг асосий вазифаси билим беришга қаратилган. Бир ёки бир неча ўқитувчи кўп сонли ўқувчиларнинг ҳар бирининг тарбияси билан алоҳида шугулланиши амалда мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, фарзандларимиз тарбиясини биргина таълим муассасаларига юклаб қўйиш тўғри бўлмайдими.

Нима қилиш лозим, деган табиий савол туғилади. Давлатимиз раҳбари мамлакат ёшлари билан учрашувида айни ушбу масалаларда тўхталиб, муаммоларни бартараф этиш, ёшларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш борасида комплекс чора-тадбирларни белгилаб берди.

Айниқса, жамиятда ёшларнинг роли ва обрўсини ошириш, уларга қўлай шарт-шароитлар яратиб бериш, ёшлар ташкилотлари орқали ёш авлод муаммолари ичига чуқурроқ кириш ва уларни ҳал этиш; ёшларнинг иш билан бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, таълим олишга ва касб ўрганишга бўлган та-

лабини ўрганиб, ечим топиш; ёшлар мувожаатларини қайд этиш ва таҳлилни юритиш масалаларига алоҳида эътибор бериб, аниқ чоралар кўриш ҳамда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш; ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ёш оилалар мустақамлигини таъминлаш; ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш белгилангани бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Шундай экан, Президентимизнинг фарзандларимиз таълим ва тарбиясига бўлган эътиборларини ўзлгимизга ва келажакка эътибор деб; унинг-ўсини келаятган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг соғлом ва тўғри тарбия ҳамда таълим олишини таъминлаш масаласига — ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари, барчамизнинг бурчимиз деб қарашимиз лозим.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд раисининг ўринбосари

Доншмандлар ўғити

Инсоният ўз тараққиётида яратган мўъжизалар ичида энг муқаддас ва улуғи бу ҳеч шубҳасиз, оиладир.

Шу боис, улуғ аждодларимиз оилани ўзларининг гурурури, шаъни ва қадр-қиммати деб билишган. Бу муқаддас гўшанинг софлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, уни ёт иллатлардан асраб-авайлашга зиммаларидаги энг муқаддас бурч деб қарашган.

Албатта, мустақам ва бахтиёр оила ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу ҳақиқатни назарда тутган закий аждодларимиз, аввало, бўлажак келин-куёвни оилавий ҳаётга тайёрлашган. Хусусан, улар томонидан бу борада яратилган панд-насиҳат, ўғит ва ҳикматлар бугунги кунда ҳам ўз қадр-қиммати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қуйида шарқнинг буюк алломаси Жалолиддин Румийнинг "Маснавий ҳикояларига шарҳлар" китобидан олинган ҳикматларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.



Келинга мактуб

1. Эринга у ёқтирадиган исми ва сифатлар билан мувожаат қил!
2. Эринг ёқтирадиган овқатларни чиройли, мазали пиширгинки, у доимо уйини соғинсин.
3. Эринг уйдан чиқаётганида кузатиб қўй; оқшом қайтганида табассум ила кутиб ол.
4. Энг чиройли бўлиб кўринишинг керак бўлган киши эринг эканини бил.
5. Эринг ва болаларингдан меҳрингни аяма. Уйингнинг тиргаги бўл. Эринг уйда бўлмаганида хотиржам юрсин.
6. Эрингдан миннатдор бўлишни, унга раҳмат айтишни унутма. Кучи етмайдиган ишларни айтиб қийнаб қўйма, ундан бировларга шикоят қилма.
7. Эрингнинг қувонч ва ташвишларига шериқ бўл.
8. Эринг рухсат бермаган жойларга борма.
9. Техамдор бўл, исрофгар бўлма.
10. Озода ва саранжом-сариштали бўл. Эрингнинг кийимларини доимо тоза тут.
11. Эрингнинг қариндоши ва яқинларини меҳмон қилишдан малолланма. Уларга доимо яхши муомалада бўл.
12. Қайманонгни тахрибали бир она сифатида ҳурмат қил, эринг хурсанд бўлсин.
13. Онангнинг уйига ҳадеб бораверма, рўзгор ишларинг оқсамасин.
14. Болаларингни яхши хулқли, маданиятли инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қил, эл-юрт сени яхшилик билан тилга олсин.

Куёвга мактуб

1. Уйдан чиқаётганда аёлингга: "Яхши қолинг", деб чик. Ҳамиша унинг кўнглини ҳушнуд эт.
2. Сени қутиб кўзи тўрт бўлмасин, вақтироқ уйга қайт.
3. Аёлингнинг хато-камчиликларини бошқаларга айтма, яхшилик, фазилатларини эсла.
4. Уйингни сарф-ҳаражатсиз қолдирма, улар бошқаларга муҳтож бўлишмасин.
5. Ишонгандаги ноҳушликларни уйга келиб айтма. Уйинг севинчга тўлсин.
6. Тўй ё саяхатга борганида илож бўлса, аёлингни ҳам олиб бор.
7. Уйга салом бериб ва кулар юз билан киргин, уйдагилар келганидан севинишин.
8. Ҳайратли бўл. Бироқ ноурин гумон ва шубҳага борма. Айб-камчилик қидиришдан сақлан.
9. Инсофли бўл; аёлинг кучи етмайдиган ишларни унга буюрма. Керак бўлганида унга ёрдам бер.
10. Қарорларингда аёлинг билан ҳам маслаҳатлашишни унутма.
11. Кутилмаган совғалар бериб, кўнглини олишни бил.
12. Дунё уйига кириш дунёга муккасидан берилиш эмас, охиратни унутма. Ватан, инсоният учун меҳнат қилишни унутма.
13. Озгина ҳалол даромад кўп ҳаром фойдадан яхшидир. Ҳаром лўқма ема, хотининг ва фарзандларингга ҳам едирма.

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Киз билан бир-бирларига кўнгли қўйгани, яқинда тўйлари бўлишини, профилактика ки инспекторини чақирса, шарманда бўлишини, келгусида қурайдиган турмушига бу ёмон таъсир кўрсатишини, Зарнигорнинг номига доғ тушишини айтиб, уни бу йўлдан қайтаришга уринди.

Аммо унинг илтимос-у, ялиниб-ёлвориши зое кетади. А.Қўшбоқов сира муроасага келай демасди. Ахйир, ночор қолган О.Ботиров фермер хўжалиги раисидан мақсад-муддаоси нима эканлигини сўрайди.

— Ана, энди ўзингга келдинг, — дейди А.Қўшбоқов. — Аввал тилхат ёзасан. Сўнгра мени рози қилсанг, қолганини кейин ўйлаб кўраман.

Отажон ноилож унга 100 АҚШ доллари таклиф қилади. Аслиддин бунга кўнмайди, 200 АҚШ доллари берасан, дейди. Кейин эса, улар шу яқин орадаги дўконга бориб, тилхат ёзиш учун қоғоз олиб келишади. Аслиддиннинг айтиб тургани бўйича Отажон тилхат ёзади. Аслиддин эса, тилхат билан бирга Отажоннинг фуқаролик паспортини олиб қолади. Эртага соат ўнда 200 АҚШ доллари олиб келишини, шундан сўнг фуқаролик паспорти билан тилхатни қайтариб беришини айтади.

Отажон эртаси кунни далага келса, А.Қўшбоқов уни қутиб турган экан. Отажон 200 АҚШ доллари топа олмаганини айтиб, 100 АҚШ доллариға рози бўлишини сўрайди. "Йўқ, — дейди Аслиддин, — 100 АҚШ долларинг 800 минг сўм бўлади, шундайми? Майли, сен бир миллион сўм олиб кел".

Отажон яна пул тополмаётганини айтиб, зорланади. Шундан сўнг Аслиддин бироз юмшади: "Майли, бир соат ичида 100 АҚШ доллари олиб келасан", дея шарт қўяди.

Бўёгини эшитсангиз, ўша кунни эрталаб Отажон вилоят ички ишлар бошқармасига бориб, рўй берган воқеа юзасидан ариза ёзганди. Бошқармада икки нафар ҳолис иштирокида Отажонга овоз ёзиш мослама-

си беришганди. Ўз навбатида, Отажон Аслиддин билан учрашгач, ўрталаридаги сўзлашуви нозик олганди.

Отажон сўзлашуви ёзиб олгач, яна вилоят ички ишлар бошқармаси биносига қайтиб келади. Бошқармада минг сўмлик купюраларнинг 16 донасига махсус воситаларда ишлов берилди. Шундан сўнг Отажон 800 минг сўми олиб, товламачи А.Қўшбоқовга кўнгирик қилиб, бораётгани-

ашёвий далиллар билан ушланади.

Шу ўринда товламачи А.Қўшбоқовнинг шахсига оидинлик киритадиган бўлсак, жабрланувчи О.Ботиров ва гувоҳ З.Тўраевага ўзини таништирганидек, у ушбу фермер хўжалигининг раиси эмас, балки оддий ички эди. Товламачилик билан ўзганинг мулкни эгаллашга бўлган ғараз нияти уни ана шундай қабих йўлга бошлаган ва қилмиши аянчли яқун толганди.



дан хабардор қилади.

Буни қарангки, жиноятга қўл ураётган одам барибир талвасага тушар экан. Аслиддин ҳам товламачилик йўли билан олаётган пулни кўлига ушлашга чўчиди. Отажонга пул солинган целлофан пакетни ғўза қатор орасини кўрсатиб, ўша жойга қўйишни буюради. Шундан сўнг у О.Ботировга фуқаролик паспортини қайтариб беради. Тилхатни эса, йиртиб ташлайди. Аммо орадан бир неча дақиқа ўтиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан у

Биринчи босқич суди судланувчи А.Қўшбоқовни товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиси учун сир сақлашни лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришига мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш, фарз ниятда фуқаролик паспортини эгаллашда ифода-

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзил: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.
Буюртма: Г-123. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 10244
1 2 3 4 5
Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.